



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ж.Лемьер макроекономик вазиёт ҳақида сўз бошлаганда залдагиларнинг қизиқиши ошганлиги яққол сезилди. ЕТТБдагилар Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олдидилар. Бу минтақанинг ўз тарихи, босиб ўтган йўли бор. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Мустақиллик йўлидан дадил бораётган бу мамлакат қайси тизимдан чиққанлиги тушунарлидир. Шу маънода муайян тараққиёт кўзга ташланиб турибди, молиявий, пул сиёсати, ЕТТБнинг раҳбари наздида, тўғри йўлда турибди, инфляция паст, бу борада мураккаб давр орта қолган. Пахта ва дон нархи буйича мақбул қарорлар қабул қилинган.

Ж.Лемьер Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, уни юзага чиқариш нафақат ҳукумат, айтиш пайтда тадбиркорлар ва банк ходимлари зиммасидаги масъулиятдир, деди. Ўзбекистон ҳозиргидан кўра кўпроқ инвесторларни жалб этишни мумкин, деди у. Ушбу бизнес-анжуман бу борада янги омил бўлиши керак. Иқтисодий тараққиёт учун очик-



Очик мулоқотлар, янги режалар

лик энг муҳим жиҳатдир. Ўзбекистонда мамлакат инвесторларни жалб этиш учун жуда катта имкониятларга эга. Бу улкан дунё миқёсидаги қиёфаси бир неча асрлар муқаддам таркиб топган Буюк Ипак йўли доғури билан ифодланади. Ушундан шу замин савдо аҳли учун қанчалар очик бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиевнинг «Ўзбекистоннинг сармоявий иқтисоди ва хорижий сармояларни жалб этишнинг устувор йўналишлари» мавзудаги маърузаси белгиланган вақтга нисбатан анча кўп фурсатни олди. Шундай бўлиши ҳам табиий: бутун

мамлакатнинг сармоявий салоҳияти ҳақида қисқа гапириб бўлмайди. Ўзбекистон экспорти таркибидан ҳомашдан кўра табиғий маҳсулот саломати охири бораётганлиги таъкидланди. Бутун иш бошлаган кўрғазмада ҳам Ўзбекистонда бизнес учун қандай имкониятлар борлиги акс этган. Агар 1993 йилда ялпи капитал маблағнинг саломатида хорижий инвестиция атиги 0,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 20 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорлик этакчи ўрин тутган кўп улқали иқтисодиёт шаклланиган. Уларни рўйхатга олишни соддаштириш, тадбиркор-



лар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги тадбирларни амалга ошириш иқтисодиётнинг бу муҳим соҳасини ривожлантириш имконини бермоқда. Ялпи ички маҳсулот таркибидан кичик ва ўрта тадбиркорликнинг саломати бутунга кўра 34,6 фоизни ташкил этиши бу борадаги ўсишни кўрсатиб турибди.

Форумнинг кейинги бўлимларида халқ ҳўжалигининг асосий соҳаларида қандай имкониятлар борлигини мевасита ўша тармоқларнинг мутасаддилари гапириб беришди. Бошқача қилиб айтганда, биринчи манбадан ахборот олинди. Шу маънода минерал ҳомаш ёзасини ривожлантириш буйича гео-

логия истиқболлари, нефтьга соҳасидаги имкониятлар хусусида сўз кетди. Енгил саноатни ривожлантириш уфқлари, банк-молия секторини такомиллаштириш борасида янгидан-янги имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Хуллас, ушбу анжуман ЕТТБнинг йиллик йиғилишига ташриф буюрган ишбилармонлар, банк ходимлари учун Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳақида ёрқин таассурот қолдирди. Насиб этса, унинг самараси янги-янги лойиҳаларда ўз аксини топади.

Шухрат ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Кичик бизнеснинг катта лойиҳалари

ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг Тошкентдаги йиғилиши очилиши арафасида пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхонасида мамлакатимизда фаолият юритаётган хусусий кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида ўтказилган бизнес лойиҳаларнинг биринчи танлови ғолибларига муқофот топшириш маросими бўлиб ўтди.

Танлов мамлакатимиздаги етакчи молиявий ташкилотлар — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзуйғойжамгармабанк», «Асакабанк» иштирокида шу йилнинг март-апрель ойларида ўтказилди. Ҳомийликни Швейцариянинг иқтисодиёт буйича Давлат қўмитаси ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт сўғурта миллий компанияси ўз

мамлакатларида режаланиб катта маблағ ажратилди. Масалан, айтиш пайтда Марказий Осиё давлатларига ўта кичик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун

танлов Республикаси Давлат мулк қўмитасининг беш аъзоидан иборат халқаро даъват томонидан қўлдоғи чиқилди.

Тошкентдаги «Нонаш» компанияси бизнес лойиҳалар танловида жуда муваффақиятли қатнашиб, 17 та финалчи ичида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент вилоятидаги «Пеккин-Чирчиқ» фирмасининг лойиҳасига берилди. Уни «Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий қўллаб-қувватламоқда.

Танлов

сий вазифаси ҳисобланади.



285 миллион евро миқдорига маблағ ажратилди. Танлов қатнашчилари маҳаллий банк-ҳамкорлар диққатига 140 дан зиёд аниқ лойиҳа тақдим этишди. Улардан 18 энг яхши лойиҳа эса ЕТТБ, BAS дастури, Швейцариянинг ҳамкорлик буйича бюроси ва Ўзбеки-

стон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг беш аъзоидан иборат халқаро даъват томонидан қўлдоғи чиқилди.

Тошкентдаги «Нонаш» компанияси бизнес лойиҳалар танловида жуда муваффақиятли қатнашиб, 17 та финалчи ичида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент вилоятидаги «Пеккин-Чирчиқ» фирмасининг лойиҳасига берилди. Уни «Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий қўллаб-қувватламоқда.

Учинчи ўринни эса пойтахтимиздаги «ЎзбекКсерокс» компанияси қўлга киритди. Унинг бизнес-лоийҳасини «Пахтабанк» қўллаб-қувватлаган.

Шундай қилиб, биринчи республика бизнес лойиҳалар танлови якунланди. У кичик бизнеснинг Ўзбекистонда илк галабаларга эришганини кўрсатди. Ғолибларга салмоқли кредит ва қимматбаҳо совринлар берилди. Шу билан бирга, маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, танлов ташкилотчилари энг муҳим, яъни энг илғор ташаббусларни қўриш ва баҳолашга эришилди. Бу эса Ўзбекистонлик ишбилармонларда ЕТТБнинг кичик ва ўрта бизнес кредит линиясига қизиқишни янада кучайтирди.

Валерий НИКОЛАЕВ.

САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш шундан бир неча минг йиллардан буён мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ўрнатилишига, халқларнинг бир-бирини тушунишларига, улар муносабатларининг ривожланишига хизмат қилиб келмоқда. Зеро, савдо аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган. Гап шундаки, талаб ва эҳтиёжсиз савдонинг ўзи ҳам бўлмади. Албатта, бу борада давлатнинг роли ва вазифаси уни рағбатлантиришдан иборат бўлса, кичик банклар ҳамда ЕТТБ каби йирик банкларнинг роли ва вазифаси эса кредит йўналиши ва молиялаштиришни тақдим этишдир. Хусусан, ЕТТБ ўз олдида хорижий, шунингдек, маҳаллий инвесторларни маблағ билан таъминлашни вазифа қилиб қўйган.

Буюк Ипак йўлидаги савдо-сотик мамлакатни гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш учун асосий йўл, яъни йўналиш эканлигини неботлади. Ўзбек халқи бу сабоқни биз-

га қолдирди ва биз уни рағбатлантиришимиз лозим. Биз ишонимизки, ушбу кўрғазма унинг иштирокилари учун мамлакатнинг иқтисодий, экспорт ва сармоявий салоҳияти билан янада кенгроқ таништириш, ис-

тиқболга мўлжалланган янги лойиҳаларни белгилаб олиш, инвестицияга оид янги йўналишларни аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасида шаклланиб келиб турган ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этиш учун имкониятлар яратадди.

Мазкур кўрғазма ташкил этишда фаол иштирок этган Ўзбекистонлик ҳамкорларга ҳам, ЕТТБ вакиллари ҳам ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, уларнинг ишига муваффақиятлар тилаб қолган.

Шундан кейин кўрғазма экспонатлари билан таништирилди.

«Ўзбекистон Республикаси экспорт-сармоявий салоҳияти» кўрғазмаси экспозицияларининг умумий майдон 1000 квадрат метр бўлиб,

ундан мамлакатимиз иқтисодиёти ҳақида ҳўжа қилувчи ахборот-иллюстрация материаллари, шунингдек, 100 дан зиёд компания ва қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг тури-туман маҳсулотлари жой олган. Хусусан, улар орасида Тошкент трактор заводи-нинг қишлоқ ҳўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари аталган «ВУ-304-2», «ВУ-300» ва «ГТЗ-80,10» тракторлари, «ЎДЭ-Уавто» ва «СамКочавто» қўшма корхоналарининг энгил ва юк машиналари ҳамда автобуслари, «Файз» холдинг компанияси ва «Тошкентмелбел» акциядорлик жамиятининг мебеллари, шунингдек, минерал ресурсларнинг намунавий коллекциялари, қайта ишлаш саноатининг

маҳсулотлари, қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошлар, ноёб металлдан ясалган совғабоп буюмлар, машина-созлик товарлари, қурилиш ашёлари бор.

ЕТТБ бизнинг корхонамиз таъсисчиларидан бири бўлиб, Низом жамгармасига 15 миллион АҚШ доллари миқдорига улшў қўшган, — деди биз билан суҳбатда «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси Ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджон Собиров. — Бундан ташқари, корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида ушбу банкнинг кредит линияси орқали ҳам 14 млн. АҚШ доллари ажратилган. Ҳозир бу ерда 750 нафар киши ишламоқда. Улар костюмбоп ва пальтобоп газламалар, иссиқ одеялар ҳамда гилам тўқишда асқотадиган ип ишлаб чиқармоқдалар. Бу маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга юборилмоқда.

Хориждиларнинг эътирофи эйтишча, кўрғазма мамлакатимиз иқтисодий, экспорт-сармоявий имкониятларининг ҳақиқий кўриниши бўлди. Унинг халқаро нуфузли анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотгани, муҳими, уларда катта таассурот қолдиргани шундан далolat беради. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда муҳим омилдир.

Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

«Нонаш» — танлов ғолиби

Тошкентда «Нонаш» номли компания борлигидан кечагача кўпчилик хабардор эмасди. Энди эса уни нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда ҳам билади. Чунки у Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик ва ўрта корхоналар ўртасида ўтказилган энг яхши бизнес танловида ғолиб деб топилди.

«Нонаш» ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. У асосан турли қил қандалот маҳсулотлари, пишириқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Корхонамизда 39 киши

ридорларга маъқул бўлмоқда. Бу маҳсулотни республикамизнинг чекка туманлари дўконларида ҳам учратиш мумкин.

ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилиши

айан қийинчиликларга дуч келиши табиий. Бизнинг банкими бундан буён ҳам Ўзбекистон ҳукумати билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ҳамкорликни кенгайтириб бораверади.



меҳнат қилади. — дейди унинг раҳбари Шукрулло Файзуллаев. — Ҳар куни 800 килограмдан кўпроқ турли хил печенье, бисквитли пирожнийлар ишлаб чиқараёмиз. Шаҳримиздаги 550 та дўконда маҳсулотларимиз сотилмоқда.

Компаниянинг «Славянское» печенеси, айнақса, ха-

сифатида қиймати 20 минг АҚШ доллари тенг офис электрон жиҳозларига эга бўлди. Корхона ўз фаолиятини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Шу мақсадда ЕТТБнинг кичик ва ўрта корхоналар учун ажратётган кредит линияси ҳисобидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали 125 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олишни мўлжаллаб турибди.

Шукрулло Файзуллаевнинг гапига қараганда, агар бу режалар амалга охса, ЕТТБ томонидан ажратилган кредитга Германиядан янги технология харид қилинади. Шунда маҳсулотнинг сифати яна ошади ва уни қўшни давлатларга ҳам сотиш имкони пайдо бўлади.

Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ, Зебиниса НАИМОВА.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун Ўзбекистонга қўллаб-қувватлаш ташириб буюрилди. Шу кунларда халқаро жамоатчиликнинг бутун эътибори республикамиздаги воқеаларга қаратилади, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон бундай йирик халқаро анжумани ўтказиш учун таянган беҳиз эмас. Бу Президент Исом Каримов раҳбарлигида амалга оширилган ислохотларнинг ўзига хос самараси ва турли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиши белгисидир.

Анжуман ҳамкорликни мустаҳкамлайди

Муамлики, Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилишнинг устувор йўналиши қўшма маҳсулотлар тобора кўпроқ жўнатилмоқда. Айтиш пайтда аҳоли бандлиги масалалари ҳал этилмоқда.

Мамлакат хорижий инвестициялар портфелини амалга оширишда «Асакабанк» ҳам ўз ўрнига эга. У Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линиялари буйича турли лойиҳаларни молияламоқда.

«Асакабанк» 1995 йилда Ўзбекистон автомобил саноатининг устувор йўналишларини молиялаш мақсадида ташкил этилган эди. Бутунга кўра у мамлакатнинг иккинчи йирик банки бўлиб, низом

ришлар рўй бермоқда. Жаҳон бозорларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамгаси босилган маҳсулотлар тобора кўпроқ жўнатилмоқда. Айтиш пайтда аҳоли бандлиги масалалари ҳал этилмоқда.

Мамлакат хорижий инвестициялар портфелини амалга оширишда «Асакабанк» ҳам ўз ўрнига эга. У Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линиялари буйича турли лойиҳаларни молияламоқда.

«Асакабанк» 1995 йилда Ўзбекистон автомобил саноатининг устувор йўналишларини молиялаш мақсадида ташкил этилган эди. Бутунга кўра у мамлакатнинг иккинчи йирик банки бўлиб, низом

жамгармаси 150 миллион АҚШ доллари тенг. Банк фаолиятининг бошида бундай иқтисодланув мамлакатимиз учун стратегик жиҳатдан муҳим тармоқ — автомобилсозликни ривожлантиришга кўч ва ресурсларни йўналтириш зарурати билан изоҳланди.

У фаолиятини ривожлантириш ва банк хизматлари бозорига ўз мақсадида мустаҳкамлаш жараёнида «Асакабанк» ўз фаолият соҳасини диверсификация қилиш ва кредит ташкилотининг универсал шаклига ўтиш ишларини амалга оширди. Бу аввалга рақобат муҳити талаблари, кейинчалик хусусийлаштириш жараёни инициализация

қилиниши давомида инвесторларнинг талаблари билан изоҳланди. Улар хусусийлаштиришни амалга ошириш йўлидаги тўсиқлардан бири сифатида банк кредит портфели тавассути билан юқори концентрациясини қайт этишарди.

Хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш ва инвестициявий жойбардорликни ошириш мақсадида ўтган йили банк муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, кредит портфелини диверсификация қилиш чоралари доирасида банк бир қарздорга ёки қарздорлар гуруҳига тавассути билан концентрациясини халқаро стандартлар даражасига (25 фоиздан

кам) туширишга муваффақ бўлди.

Бутунга кўра «Асакабанк» республиканнинг деярли барча вилоятларида 24 та бўлимга эга. Бу бўлимлар иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва умумовқатларнинг тизими каби тармоқларига қўллаб-қувватлашга кенг қўламли хизматлар кўрсатмоқда.

Банкнинг Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорлиги тарихи 1996 йилдан бошланган. Ушундан давлат дастури доирасида кичик ва ўрта тадбиркорлик тармоғидagi инвестиция лойиҳаларини молиялаш буйича биринчи кредит бити-

ми имзоланган эди. Қисқа даврда иккала банк ўртасида ўзаро манфаатли асосда дўстона муносабатлар юзага келди.

Бутунга кўра банк умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари тенг саккизта лойиҳани молиялади. Бу лойиҳа-хани озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган. Импорт ўринини босувчи бундай муҳим товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нафақат республика аҳолиси эҳтиёжини қондириш, балки чет элга экспорт қилиш имконини беради.

Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги умумий қиймати 4,9 миллион АҚШ доллари тенг

булиб, замонавий немис технологиясидан фойдаланган ҳолда ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Qorakoleks» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасини ташкил этишга қаратилган. Бу корхона ишга тушгач, 100 киши иш билан таъминланади.

Банк ва ЕТТБнинг яна бир истиқболли лойиҳаси замонавий немис технологияси асосида ип ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Бу ҳар йили 150 минг жуфт ипчилик пойабзали ва ҳарбий кийим ишлаб чиқариш имконини беради. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун кредит маблағлари зарурати 4,2 миллион АҚШ доллари тенг этилган, 27 киши иш билан таъминланади.

«Асакабанк» ЕТТБнинг савдон молиялаш буйича дастурида қатнашади ва 20 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит лимитига эга. Бу кредит банк миқдорларининг экспорт-импорт операцияларини молиялаш, шу жумладан, «ЎзДЭУавто» корхонаси учун бўлувчи қисмларга ҳақ тўлашда иштирокчи.

Таъкидлаш жоизки, 1998 йилнинг октябидан бошлаб мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига кўра, ЕТТБ «Асакабанк»ни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Банклар ўртасида олти йил давомида сигналдан ишончли муносабатлар ўрнатилгани ҳамда мамлакатимизда амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар, жумладан, банк соҳасидаги ислохотлар қўллаб-қувватланаётганини ҳисобга олиб, ЕТТБ биринчилар қатори мазкур банкни хусусийлаштириш жараёнида қатнашиш истагини билдирди.

Бутунга кўра келиб, «Асакабанк» ва ЕТТБ ўртасида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорига навбатдаги кредит лимитини ажратиш юзасидан музокаралар олиб боришмоқда. Бу кредит битими халқаро анжуман доирасида имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ж. РАҒИПОВ, ЎЗА мухбири.

Дехқон этигини тўздирган далалар



Апрелнинг ҳу ўша ёмғир челақлаб куйган кунлари «Шўра-зак» ширкат хўжалиги худудидан ўтиб бораётди, галлазор ичида чопони-ю телпаги ивиб турган бир йигитни кўриб, машинани тўхтатди. Пастра ташайлик, десак, ёмғирдан чўчиймиз, кетайлик, десак, касбимизга хос қизиқиш кўлимиздан тўтиб турибди. Чор-атрофда ундан бўлак бирор кимса йўқ. Машина сигнални чалди. Пайкалдаги киши бир оз иккиланди турди-да, кейин биз томон юра бошлади. Шунда мен:

— Гугурт йўқми? — дея хаёлимга келган биринчи саволни бердим.

Асфальтга чиққан нотаниш танишимиз қўли билан «йўқ» ишорасини қилди.

— Нима қилиб турибсиз? Эгингиздан ёмғир ўтиб кетибди-ку, — дея эшикни очдик. У телпагини силкиб-силкиб ташлади-да, орқа ўриндиққа ўтирди: «Машиналаринг бузи-

либ қолдими?» Унга уловимиз созливини, уни кўриб тўхтаганимизни айтдик. Гап-гапга илашиб кетди. Шу тариқа 17 гектарлик ер майдонига эга оилавий пудрат бошлиги Алиқул Холматов билан танишиб олдик.

— Тўрт-беш кундан буён ичимга чиरोқ ёқса ёришмайди. Икки кўзим осмонда, қани бу ёмғир жонивор тинса. Бугдойимиз ёпасига бугазак тортиган. Ҳадемай гулга киради. Намгарчилик чўзилиб кетса, экинга занг касали юқали. Занг тушса борми, ишнинг расво бўлгани шу. Ҳосилингиз тарози босмай, сизни беобрў қилади. Нимага дейсизми? Бу касаллик бир бошланса, бошқоқ тўлмай қолади. Шуларни йўлаб худди далани ёмғирдан пана қилмоқчидай бўлиб, шу ерда турибман-да...

Унинг гапларини эшитиб қўлим беихтиёр ён дафтар билан қаламга чўзилди. Унинг бу йил ҳосилдорлигини 60 цент-

нерга етказмоқчи эканлиги, хирмон кўтарилганда ўзию ширкларига кам деганда 30 тонна бугдой тегиши, Ҳабибулла Гулбоев, Алпомиш Боқиев сингари оғайнилари билан ким ўзарига шартлашиб, меҳнат қилаётганлиги тўғрисида батафсил билиб олдим.

У билан яна дастлабки жойда учрашмаганимизда, эҳтимол, бу ҳикоямиз ён дафтарда қолиб кетарди. Етти-саккиз нафар йигитлару хотин-қизларга бош бўлиб галлазорда отқулақ, бугдой уруғи билан қўшилиб келиб қолган герко ўтларини ташқарига кўтариб чиқарган Алиқул Холматовни кўриб яна машинани тўхтатдик.

— Бу сафар чиройингиз ҳам осмонга ўхшаб очилиб кетибди, — деган таъқидимизга жавобан у жиммайиб қўйди.

— Ҳа энди, дехқон деган халқ осмонга қараб чама олади-да. Ёмғир дегани кам бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам ишнинг бе-

дан бири, баъзан ярми пуч бўлиб қолади. Гектарига фалон килограмдан ўғит берганимиз, фалон тоннадан шарбат суви оқизганим, деганлар чапак чалиб қолаверди...

Катта йўл бўйига иккита машина келиб тўхтади. Уларнинг бирдан ширкат хўжалиги расиси Усмон Искандоров тушиб келди. Иккинчи йигит бизга етиб келмасдан сўхбатдошимиз уни «Жуман ота» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Абдуқолиқов дея таништирди. Салом-алиқдан сўнг сўхбат мавзуи яна дехқончилиги кўтарилажак ҳосил миқдорига бориб тақалди.

— Алиқул акаларнинг пайкалига кўз тегмасин. Ҳосил тўпланишига гап йўқ. Агар яна бир-икки маротаба шарбат суви оқизилса, экинлар бизнигина етиб олади, — деди Баҳодир Абдуқолиқов.

— Баҳодиржон, туф денг. Пайкалга кўз тегали, — ҳазиллашди Усмон Искандоров. — Мана сизлар ўтган йилги ҳосилдорлигини 61 центнерга етказдиларинг. Бу йигит ҳам сизларни изма-из қувиб бораётди. Ковун қовунни кўриб ранг

олади, деганлари шу-да... Хўжалик раҳбарини сўхбатга тортмоқчи бўлганимиз, у ҳозирча бирорта рақам айтмаслигини билдирди. Ишлаб чиқариш режаси бажарилиб, юзлари ёруғ бўлгандагина интервью беришга ваъда қилди.

— Раисимиз суви кўрмаса этик емайдиганлар қилидан, — деди Алиқул Холматов. — Бирок бу киши кўрқмаса ҳам бўлаверди... Хўжалигимиз бўйича, худо хоҳласа, 4 минг тонна галла етиштирамиз. Уруғликни ҳам ўзимиз галлаб қўямиз. Энди яратган эгам далаларимизни жалаю дуладан асраса, бу йил хўжалик тарихида энг рекорд бугдой етиштирилади. Омон бўлсак, бу ваъдамиз қандай бажарилади, ҳақида ҳали эъза шийпонда ёнбошлаб бир эслашамиз...

Гап билан бўлиб атрофимизга анчагина одамлар тўпланиб қолганини сезмабман. Уларнинг юз-кўзларига, ишонч билан айтётган сўзларига қўлоқ соларканман, диққатимни дехқонлар кийган этик пошналари тортди. Бу пошналарнинг ақсарияти аллақачон пиёз пўсти бўлиб еилиб кетганди. Шунда хаёлимга фалати бир ўхшатиш келди. Дехқон этиги пошналарини тўздирган мана шу далалар, албатта, шу инсонлар тўқлик ва янада ёруғ кунлар олиб келади. Зеро, нияти улуг одамларнинг ишида ҳамisha унум ва барака бўлган.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Г. ПРОХОДЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. УТБОСАРОВ,
О. ҚАЙШЕРБЕКОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ХАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўғий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маорифат — 136-35-60;
Газетчилик билан алоқа ва миналқалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 428,
29565 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВА ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ХАЙДАРОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЕРОВ.
Мусаҳҳаб — Ш. МАШРАББЕКОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Тошпирилади — 01.40
1 2 3 4 5 6

АҚШда ўзбек гиламлари кўргазмаси

АҚШ пойтахтида Шарқ гиламларига бағишланган Х халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Канада, Россия, Япония, Хитой, Монголия, Фарбий Европа, Марказий Осиё мамлакатлари санъатшунослари иштирок этдилар. Мазкур анжуман доирасида илмий сессиялар ўтказилди. Унинг иштирокида эътиборига мамлакатимизнинг АҚШдаги элчи-

хонаси биносидан «Ўзбекистон музейларидаги қимматбахо буюмлар» деб номланган қадимий ноёб гиламлар, бадийи қашгалар ва кийим-кечаклар мажмуалари намойиш этилди. Ушбу 67 та ноидир экспонатни Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи, Самарқанд Давлат маданият ва санъат тарихи музейи ва

Театр муаммолари ечим топмоқда

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида «Бугунги кун Ўзбекистон театр санъати муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу таълиб республика театрларида юзага келатган айрим муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланди. Конференцияда «Ўзбекистон театрларида ижодий жараёни ташкил этиш муаммолари», «Театрларда режиссура муаммоси» мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Б. МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Вашингтон.

Ш. БОЙМУРОДОВА,
ЎЗМУ талабаси.



Чиниққанга чанг юқмас

Соғлигингиз ўз қўлингизда

Ишқилиб, об-ҳаво ўзгармай турсин-да, деб юрак ҳовучлаб юрадиганлар орамизда қанчалар-қанчалар! Ҳа, об-ҳаво ўзгарди дегунча, кимдир суякларини зирқираб оғрий бошлайди, деса, бошқа бирор ёмғир ёғса, бошим сикади, деб шикоят қилади. Бундай пайтда бемор, шубҳасиз, шифокор маслаҳатини муложазасига эҳтиёж сезади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туришига ўта сезгир бундай тоифадаги кишилар орамизда кўп учраб экан. Айниқса, ўпка ва юрак-қон томир хасталиқларига чалинган беморларнинг ҳар иккинчиси ана шундай ҳусусиятга эга эканлиги амалиётда ўз исботини топган. Ҳатто соғлом кишиларда ҳам ана шундай сезгирликни кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, об-ҳавонинг ўзгариши ва намлигида тап кўп! Ҳароратнинг ва намликнинг бир вақтда кўтарилиши одамнинг ҳолатини бирдан ёмонлаштириши табиий. Фанда кўёш фаоллигининг ортиси қон таркибини ўзгартириб бориши исботланган.

Ҳўш, соғлом кишиларда бу жараён қандай кечеди? Кўпроқ асаб жараёнининг кучайиши ва секинлашишида кузатилади. Бундай ўзгариш баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам олиб келиши мумкин. Шундай экан, чиниқиб, тобланиб боришинг ахамияти катта. Шу бола Ибн Сино ҳам жисмоний машқлар билан доимо шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога мутожлик сезмайди, деб бежиз айтмаган.

Қадим замонлардаёқ кишилар совуқнинг инсон саломатлигига фойдали таъсирини пайқатганлар. Ҳатто совуқ ёшартиради, деган гап ҳам бор! Бир эсланга, ота-боболаримиз айвонда қишлаганлар. Бозиллаб турган танчадан аёзли ҳовлига чиқиб кетаверишган. Бод нима, оёқ оғриги, бел оғриги, нима — билдишмаган. Энди эса иссиқ-ушбу ўтириб ҳам шамоллаймиз. Буларнинг ҳаммаси но-зиклашиб қолганимиздан эмасмикин? Орамизда ҳалиям бўлса-да, қаҳратон қишда муздак сувга шўғиб олувчилар бор. Уларни на бод, на йўлдан безовта қила олади. Трип нима эканлигини улар умуман билишмайди. Кашмирнинг хунза қабиласидатиғлар одамни чақадиган ях тағидати сувга балиқдек шўғиркан, болоям урмас экан уларга. Узоқ йил умр кўришаркан. Аёллари эса 50-60 йилда ҳам хушбичим ва гўзалликларини йўқотмас экан.

Кичик кўпроқ эрта баҳорда, кузда ва қишда шамоллаши барчага аён. Бундай пайтда бирмунча заиф кишилар, айниқса, гўдаклар ва кексаларда юқори нафас олиш йўллари ялғизлангани пайдо бўлади. Шамоллашнинг хавфли томони шундаки, — дейишда шифокорлар, — у бадани анча заиф аҳволга солиб қўлади. Бу вақтда киши тезда хасталикка чалиниб қолиши мумкин.

Чиниққан одамдан эса ана шундай дардлар четлаб ўталади. Об-ҳаво «ванна»си чиниқкининг, қон-томирлар гимнастикасининг энг мақбул турларидан биридир. Бундай пайтда нафас олиш чуқурлашади. Юрак, жигар, буйрак, қон айланиши ва эндокрин тизимлари жалаб ишлайди. Киши тетиклашади. Меҳнат қобилияти ортади. Кам шамоллайдиган бўлади. Бир неча йиллар мобайнида доимий чиниқиб бориш, ҳаракатда бўлиш, кейсийиш жараёнини секинлаштираркан.

Бу ҳусусда Саъдий Шерозий жуда чиройли ўхшатиш қилган эди:

Харакат бўлмаса
ўшаб кишини,
Орзуеа етолмас
повонлар тани.

Албатта, чиниқкининг йўллари кўп. Халқ табиатида уқалаши ана шундай усуллардан бири эканлиги таъкилла-нади. Унинг афзалликлари ҳақида фойдали маслаҳатлар берилади.

— Чиндан ҳам уқалашда ҳикмат кўп — деган эди профессор К.Йўлдошев. — Дейлик, киши тумов бўлиб қолди. Агар бемор дори ичиб, бир ҳафтада тузалса, халқ табиати йўли билан бундан атрофди ва кўз қовоқлари уқалаб турилса, уч кунда шифо топиши мумкин. Еки қон босимингиз кўтарилиб кетган дейлик. Чакка на икки қулоқ атрофини ўн дақиқа уқалаб турилса, албатта, фойдаси тегали. Туз йилгилиги, рақибкулиги, бод дардлари ёш шаклидаги қуримла ёрдамида уқалаш орқали даволанади.

Шунингдек, пиёла юриш — чиниқкининг асосий омилларидан бири эканлигига шак-шубҳа йўқ! Қундалик сайр модада алманшувини яхшилайди. Сопа-қон киши учун тахминан бир кунда ўн минг қалам ташлаш қиёфаси. Пиёла юрганда мингга доно фикрлар ҳам келади, дейишди. Қаранг, пиёла юришда ҳикмат кўп экан, чиниққанган-чиниқиб, тўрт мучамиз бут бўларкан.

Мишраф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

«Экосан»нинг хайрли ишлари

Кеча «Экосан» халқаро жамғармасида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлигини ўтказиш мавзусига бағишланган таълиб бўлиб ўтди. Таълибда кун тартибиди-даги масала билан бир қаторда «Экосан» маҳаллада» максалли дастурининг амалиёти ҳамда жамғарма томонидан Қорақалпоғистонга юборилган инсонпарварлик ёрдамининг манзилли тарқатилиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, ўтган давр мобайнида жамғарма экологик ноқулай минтақаларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви, турли дора-дармонлар билан таъминлаш мақсадига бир неча хайрли ишларни амалга оширди.

М. ТОЖИЕВА.

Банк манфаатдор, миқоз хурсанд

«Пахтабанк»нинг Хатирчи тумани бўлими қисқа вақт ичида 4 та қишлоқда ўз шохобчаларини очди. Натияжада миқозлари сони кескин кўпайди. Биргина Улуг-фермер хўжалиқларига хизмат қила бошлади. Ўз омонатларини ишониб топшираётган фуқаролар тобора кўпаймоқда. Пенсияерлар нафақаларини ўз вақтида олишётганидан хурсанд. Коммунал хизмат тўловлари ҳам ушбу шохобча орқали амалга оширилади.

Яқин орада туманда минн банклар сонини янада кўпайтириш режалаштирилган.
Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Ҳозирги кунда республикамизда қуйидаги олий ҳарбий билим юртларида офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган:



- Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти;
- Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти;
- Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти;
- Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти;
- Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети.

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти

1918 йил 12 июлда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши Тошкент ҳарбий билим юрти тарихида ҳам янги саҳифа очди. У кенг тармоқли билим юртига айланди ва унда мототўқчи ва қўшин разведкаси бўлиналариини жанговар қўллаш ва шахсий тарғиб билан ишлаш ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида

танкичи командирлар ва муҳандислар, ҳаво-десант бўлиналари командирилари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўйича офицер кадрлар тайёрланади.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти

1969 йил 20 ноябрда ташкил топган. Билим юртининг 16 та кафедра ва артиллерия факультетида артиллерия ва автомобиль ҳарбий қисмлари командирилари, таъминот хизмати ва сапёр-муҳандислик мутахассисликлари бўйича офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Вазирилари Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Билим юртида ҳарбий учувчилар ва авиация-муҳандислиги мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 1993 йил 13 майдаги қарорига асосан ташкил топган.

Махсус факультет 1994 йилдан бошлаб мамлакатимиз куч тузилмасининг барча вазирликларига ҳарбий алоқачиларни ва ҳаво ҳужумидан химоя йўналиши бўйича радиотехника воситаларини эксплуатация қилиш бўйича муҳандис-офицерларни тайёрлаб бермоқда.

Ҳарбий ўқув юртларига тугалланган ўрта маълумотли Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинади:

- 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган фуқаролар, шу жумладан, ўқишга қабул қилинган йили 17 ёшга тўладиган фуқаролар;
- офицерлар таркиби ҳарбий унвонларига эга бўлмаган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар.

Мазкур шахслар ўқишга кириш йилининг 25 майгача яшаш жойидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига (муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизматчилар қисми командирилариининг номига рапорт) ариза берадилар. Аризада (рапортда) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва оиди, турар жойининг манзили, абутириент кириши истаган ҳарбий билим юртининг номланиши кўрсатилади. Аризага таржимаи ҳол, иш ёки ўқиш жойидан тавсифнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусخаси, учта фотосурат (бош кийимсиз, 4,5х6 см. ўлчовда) илова қилинади. Паспорт, ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси номзод томонидан ҳарбий билим юртининг қабул комиссиясига кўрсатилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «лейтенант» офицерлик унвони ҳамда соҳасига мувофиқ олий маълумотни тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишони топширилади.

Олий ҳарбий билим юртларининг манзиллари

Тошкент ОУКБЮ: 700052, Тошкент шаҳри, «Паркент» кўчаси, 2-уй.
Чирчиқ ОТКМБЮ: 702115, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 15-уй.
Самарқанд ОХАКМБЮ: 700056, Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 56-уй.
Жиззах ОХАБЮ: 708000, Жиззах шаҳри, Ҳамроқул Носиров кўчаси, 3-уй.
Тошкент АТУ махсус факультети: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй.